

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ
МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.02.2018.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

МАТЛУБОВ МАНСУР МУРАТОВИЧ

**СЕМИЗ АЁЛЛАРДА ТУҒРУҚНИ ҲАЛ ЭТИШДА
ОПТИМАЛ АНЕСТЕЗИОЛОГИК ЁНДАШУВНИ КЛИНИК-
ФУНКЦИОНАЛ АСОСЛАШ**

14.00.37- Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the of Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Матлубов Мансур Муратович

Семиз аёлларда туғрукни ҳал этишда оптимал
анестезиологик ёндашувни клиник-функционал асослаш 3

Матлубов Мансур Муратович

Клинико-функциональное обоснование выбора оптимальной
анестезиологической тактики при родоразрешении у пациенток с
ожирением 29

Matlubov Mansur Muratovich

Clinical-functional substantiation of the choice of optimal tactic
of anesthesia during delivery in patients with obesity 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 60

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ
МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.02.2018.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКУШЕРЛИК ВА
ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

МАТЛУБОВ МАНСУР МУРАТОВИЧ

**СЕМИЗ АЁЛЛАРДА ТУҒРУҚНИ ҲАЛ ЭТИШДА
ОПТИМАЛ АНЕСТЕЗИОЛОГИК ЁНДАШУВНИ КЛИНИК-
ФУНКЦИОНАЛ АСОСЛАШ**

14.00.37- Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.emerg-centre.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Семенихин Арсений Арсеньевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Аваков Вячеслав Ервандович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Атаханов Шухрат Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Курбанов Джахонгир Джамалович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Днепропетровск давлат тиббиёт академияси (Украина)

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.28.02.2018.Tib.63.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Ўзбекистон, 100081, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-46-00, +998(71)150-46-05, e-mail: emerg-centre.uz).

Докторлик (DSc) диссертацияси билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик халқа йўли 2 уй. Тел./факс: (+99871) 150-46-00).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Б.Қ. Алтиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда семиришга мойил ва семирган аёлларда жаррохлик амалиётини анестезиологик таъминлаш замонавий анестезиологиянинг энг оғир, долзарб ва тўлиқ ечими топилмаган муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу муаммо айниқса ҳомиладорларда кескин аҳамият касб этади. Бунда туғруқ пайтида юзага келувчи асоратлар хавфи юқори бўлиб, асоратлар хавфини камайтириш анестезиолог-реаниматолог ва акушер-гинекологнинг оптимал ёндошувига боғлиқдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш (ЖССТ) ташкилоти маълумотларига кўра XX аср охирида сайёрамизнинг 30% аҳолиси ортиқча тана вазни ҳамда 2025 йилда умумий аҳолининг 300 млн.га яқини семириш билан азият чекиши башорат қилинмоқда. Ҳомиладор аёллар орасида ҳам тана вазни ортиши ҳолатлари кўпайиб бормоқда ва ҳозирги вақтда ушбу кўрсаткич 16-20%ни ташкил қилади¹. Ҳомиладорликда субарахнодиал ва эпидурал бўшлиқлар ҳажмининг камайиши магнит-резонанс томография ёрдамида исботланган, тана вазн индекси 50 кг/м^2 ошган ҳомиладор аёлларда кесарча кесиш натижасида туғуруқнинг ижобий кечишида анестезия учун севофлюран ва ремифентанилнинг ишлатилиши натижасида анестезиянинг самарали амалга ошиши, семиришга мойил аёлларда туғруқнинг ижобий ва меъёрий даражада кечишида эпидурал анестезиянинг афзалликлари исботланган². Ҳомиладорлардаги семизлик ёғ алмашинуви бузилишига ва қорин ичи босимининг кўтарилишига, ҳаётий муҳим тизимларда қатор патофизиологик ўзгаришларга, гестациянинг асоратли кечишига, фетоплацентар етишмовчилик ривожланишига, ҳомилани кўтара олмаслик ва перинатал кўрсаткичларга негатив таъсир қилишга олиб келмоқда³. Семизлик ва ҳамроҳ касалликларининг мавжудлиги, шошилиш равишида амалиётларнинг бажарилиши ва умумий анестезия - анестезиологик асоратлар билан боғлиқ оналик ўлимига олиб келувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Ҳомиладорларда семиришнинг асоратларини, гестацион гипертония, преэклампсия, гестацион диабет ва шошилиш кесар кесиш операциясининг ортиб боришини олдини олиш бугунги кундаги анестезиологиянинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда аёлларда, айниқса семиз аёлларда туғруқ жараёнида юзага келиши мумкин бўлган акушерлик асоратларни эрта аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволаш масалаларига қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар изчил ва кенг кўламда амалга оширилмоқда. Артериал қон босимининг кўтарилиши, протеинурия ва шишлар билан намоён бўлувчи ҳомиладорлар

¹ SMACE/RCOG Joint Guideline Management of women with obesity in pregnancy 2010, ЖССТ маълумотлари, 2014

² Лаврентьев А.А. и др. Спинальная анестезия: центральные сегментарные блокады. Воронеж. 2004. С. 250, Westfall T.C, Westfal adrenergic agonists and antagonists. In: Goodman & Gilman. The pharmacological basis of therapeutics. 11th ed. New York et al. 2006. P. 237-295.

³ Karmanioliou I, Petropoulos G, Theodoraki K. 2011, Nickens M.A, Long R.C, Geraci S.A. 2013, Henry S.L, Barzel B, Wood-Bradley R.J, Burke S.L, Head G.A, Armitage J.A. 2012

кечки гестози тана вазни меёрида бўлган ҳомиладор аёлларга нисбатан тана вазни ортиқча семиз аёлларда уч карра кўп учраши аниқланган. Кечки гестоз билан асоратланган ҳомиладорликда аёл юрак қон томир тизимидаги асоратлар етти марта кўп учрайди⁴. Туғруқ мажмуасининг техник имкониятларини инобатга олган ҳолда оғриксизлантириш усулларини ҳомиладорларга индивидуал ёндашиб танлаш муаммосининг ечимини топиш, семиришга мойил аёлларда самарали туғуруқни эрта ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш, семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндашувни клиник-функционал асослашда замонавий технологиялардан фойдаланишда уларнинг афзалликларини исботлаш, семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндашувни клиник-функционал асослаш орқали касаллик асоратларини камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усуллари муҳим аҳамият касб этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида⁵ мамлакатимизда «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Бу борада, семиз аёлларда туғруқни қабул қилишда қўлланиладиган оптимал анестезиологик ёндашувни танлашнинг аниқ меъзонларини илмий асослаш, ушбу жараён хавфсизлигини ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган инновацион технологияларни кенг тадбиқ қилиш оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари қаторида амалга оширилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли

⁴ Ахмедов Ф.К., Туксонова Д.И., Негматуллаева М.Н., Дустова Н.К. сердечная и почечная гемодинамика у беременных с преэклампсией на фоне ожирения //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. - Ташкент, 2013. -№11. - С.18-20. Баситханова Э.И., Саатов А. Р., Соатов А.А., Махмудов М.А. Состояние гемодинамики при операциях на нижних конечностях, выполненных под унилатеральной спинальной анестезией у гериатрических больных с недостаточностью кровообращения //Украинский медицинский альманах. - 2012. - №4. - Том 15. – С. 34-35. Калинин О.Б., Спиридонова Н.В. Особенности течения гестоза у женщин с избыточной массой тела и ожирением //Фундаментальные исследования. - 2012. - № 10-2. - С. 247-249.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

бошқа меъерий-хукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁶. Семиз аёллардаги туғруқ жараёнида қўлланиладиган оптимал анестезиологик ёндашувларни танлашда ва уни хавфсиз ўтказишга қаратилган клиник протоколларни ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини клиник-функционал асослаш бўйича кенг кўламли илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Cedars-Sinai Heart Institute Los Angeles (АҚШ), Wayne State University (АҚШ), King's College London (Буюк Британия), University Pittsburg (АҚШ), Universidade Federal de Mato Grosso (Бразилия), Fraiburgs University (Германия), Universität Hamburg (Германия), Uppsala University (Швеция), National University of Singapore (Сингапур), Ghent University (Белгия), University of Maastricht (Нидерландия), University of Queensland (Австралия), Н.А. Неговский номидаги умумий реаниматология илмий-текшириш институти (Россия Федерацияси), Республика акушерлик гинекология илмий амалий маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Жаҳонда семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндашувнинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадқиқотларни такомиллаштириш борасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Германиянинг Fraiburgs University олимлари муддатига етган ҳомиладорликда субарахнодиал ва эпидурал бўшлиқлар ҳажми 14-18% га камайиши магнит-резонанс томография усули ёрдамида исботлаган ва ушбу аёлларда марказий нейроаксиал блокадалар (МНБ)ни амалга оширишда инobatга олиш зарурлиги асосланган; АҚШнинг University Pittsburg ва Institute Los Angeles мутахассислари тана вазн индекси 50 кг/м^2 ошган ҳомиладор аёлларда кесар кесиш орқали бажариладиган туғруқнинг ижобий кечишида анестезия учун севофлюран ва ремифентанилнинг ишлатилиши самарали эканлигини исботлаган; Universidade Federal de Mato Grosso (Бразилия) ва Universität Hamburg (Германия) тадқиқотларида МНБ ўтказишда умуртқа поғонасининг анатомик тузилишини навигацион ултратовушли ташхислаш амалиётни анча енгиллаштириши ва самарадорлигини ошириши исботланган; Uppsala University (Швеция) ва National University of Singapore (Сингапур) мутахассислари томонидан трахеа интубацияси қийинчилик туғдирганда сунъий ўпка вентилляциясини (СЎВ) бажаришнинг муқобил йўллари

⁶ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.cedars-sinai.edu, wayne.edu, www.kcl.ac.uk, www.pitt.edu, www.ufmt.br, www.uni-freiburg.de, www.uni-hamburg.de, www.uu.se, www.nus.edu.sg, www.ugent.be, www.maastrichtuniversity.nl, www.uq.edu.au, www.niiorramn.ru, www.akusherstvo.uz, sammi.uz ва бошқа манбалари асосида амалга оширилган

кўрсатилган; Ghent University (Белгия) ҳамда University of Maastricht (Нидерландия) тадқиқотларида магнит-резонанс томография асосида ҳомиладорларда суарахноидал ва эпидурал бўшлиқлар ҳажми аниқланиб, субарахноидал бўшлиқда маҳаллий анестетиклар тарқалишига қорин ичи босимининг таъсири кўрсатилган; King's College London (Буюк Британия) ҳамда Universität des Saarlandes (Германия) мутахассис-олимлари ортиқча вазн ва семириш бўлган ҳомиладор аёлларга алоҳида психологик ёндошув талаб этилишининг катта ўрни ва аҳамиятини исботлаган; Wayne State University (АҚШ) ва University of Queensland (Австралия) олимлари томонидан семиз аёллар табиий туғруқ жараёнини оғриқсизлантиришда эпидурал анальгезиянинг ўрни ва аҳамияти исботланган; Н.А. Неговский номидаги умумий реаниматология илмий-текшириш институтида (Россия Федерацияси) турли касалликлари бўлган ва семиришга мойил аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқнинг асоратларини олдини олишда эрта анестезиологик ва интенсив терапия тадбирларини ўтказиш зарурлиги исботланган; семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндашувни янги усулларини клиник-функционал асослаш тизими ва тартиби такомиллаштирилган (Республика акушерлик гинекология илмий амалий маркази ва Самарқанд давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)).

Дунёда семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндашувни янги усулларини клиник-функционал асослаш мақсадида қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ортиқча тана вазни ва турли даражадаги семирган ҳомиладорларда туғруқнинг ижобий кечишини ташкиллаштиришда анестезиологик ёрдамнинг замонавий тизимини қўлаш механизмининг яратиш; семиришга мойил ҳомиладорларда асосий тизимларнинг функционал ҳолати ва хусусиятларини асослаш; турли экологик омилларнинг ортиқча тана вазни ва семизликка дучор аёллардаги ҳомиладорлик жараёнига салбий таъсирини асослаш, семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндашув ҳамда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик мезонларини ишлаб чиқиш; семиз ҳомиладорлар юрак-қон томир тизимининг адаптацион-мослашув имкониятларини сақлаш мезонлари ва уларда интраоперацион асоратларнинг юзага келиш хавфи даражасини такомиллаштириш; ортиқча тана вазнли, семирган ҳомиладорларда туғруқни ижобий ўтказишда анестезиологик ёндошувнинг самарадор тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ривожланган давлатларда ҳомиладорлар умумий популяциясида семизлик билан азият чекиш ўсиб бормоқда ва ҳозирги вақтда 16-20% ни ташкил этиб турибди (В. Bonnesen et al, 2013, Carlson, N.K. Lowe, 2014). Бунга мос равишда, абдоминал туғруқлар сони ҳамда анестезиологик қўлланма билан боғлиқ нохуш оқибатларнинг юзага келиши ошмоқда (L.M. Vegg et al, 2013, V.A. Eley et al, 2013). Ҳозирги кунда бу муаммо АҚШ, Австралия, Япония, Европанинг барча давлатларида кўриб чиқилаётганлиги маълум. Ҳозирги вақтда оғриқсизлантиришнинг энг

рационал турлари аниқланиб олинган; МНБ ўтказишни осонлаштирувчи, умуртқа поғонасининг анатомик хосиятларини кўрсатувчи ултратовушли текширув вариантлари тақдим этилган; трахеа интубациясини бажара олмаганда муқобил сунъий ўпка вентилияциясини (СЎВ) таъминлаш йўллари кўрсатилган; магнит-резонанс томография усуллари ёрдамида ҳомиладорларда суарахноидал ва эпидурал бўшлиқлар ҳажми аниқланган; субарахноидал бўшлиқда маҳаллий анестетиклар тарқалишига қорин ичи босимининг таъсири ўрганилган.

Лекин, турли даражадаги семизлиги бор ҳомиладорларда туғруқ жараёнида ҳаётни таъминловчи асосий тизимларнинг функционал ҳолати хусусиятлари ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган; юрак-қон томир тизими адаптация-мослашув имкониятларининг сақланиш мезонлари ва уларда интраоперацион асоратларнинг юзага келиш хавфи даражаси аниқланмаган; туғруқ олдидан медикаментоз тайёргарлик ўтказишнинг оптимал усуллари ишлаб чиқилмаган. Морфометрик хусусиятларни, организм ҳаётини муҳим тизимлари резерв имкониятларининг сақланганлик даражасини, анестезиологик хавфни, туғруқ мажмуасининг техник имкониятларини инобатга олган ҳолда оғриқсизлантириш усуллари ҳомиладорларга индивидуал ёндашиб танлаш муаммоси ҳозиргача ҳал қилинмаган. Ушбу йўналиш устида илғор изланиш олиб бориш ҳамда объектив ва ҳар томонлама баҳолаш талаб қилинмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига ITD-1109-11.3-0-32995 мувофиқ «Акушерлик ва гинекологияда критик ҳолатлар ва асоратлар ташхисоти, жадал терапияси ва профилактикаси усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади семизлиги бор ҳомиладор аёллар абдоминал туғруғида оптимал анестезиологик ҳимояни патогенетик асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Турли даражадаги семизлиги бор ҳомиладорларда (III триместр) ҳаётини муҳим тизимлар функционал ҳолатининг хусусиятларини аниқлаш;

Семиз ҳомиладорлар учун юрак қон-томир тизими адаптация-мослашув имкониятларининг (ЮҚТТАМИ) сақланиши критерияларини ҳамда уларда интра- ва туғруқдан кейинги асоратлар юзага келиш хавфи даражасини ишлаб чиқиш;

Семизликнинг даражасига ва юрак қон-томир тизими адаптация-мослашув имкониятларининг сақланиши даражасини ҳисобга олган ҳолда абдоминал туғруқда анестезиологик ёндашув алгоритмларини, шунингдек, оғир клиник вазиятларда ҳаракатлар алгоритмларини ишлаб чиқиш;

Республика туғруқ мажмуалари техник имкониятларини инобатга олган ҳолда, семизлиги бор ҳомиладорларда умуртқалараро диск ва сарик бойлам идентификациясининг мавжуд усулларини такомиллаштириш;

Тана вазни ортиқча ва семиз ҳомиладорларда тана вазни индекси (ТВИ) ва ЮҚТТАМИ сақланиши даражасидан келиб чиққан ҳолда клиник амалиётда умумқабул қилинган ва ишлаб чиқилган (мукаммаллаштирилган) анестезиологик усуллар вариантларини қиёсий баҳолаш.

Турли ТВИ ва ЮҚТТАМИ сақланиши даражасидаги беморларда анестезиологик усуллар вариантларини ҳаётий муҳим аъзоларга таъсирини ўрганиш ва оғриқсизлантиришнинг энг рационал вариантларини аниқ клиник ҳолатга тавсия қилиш. Уларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш.

Тавсия қилинадиган усулларнинг клиник ва иқтисодий самарадорлигини белгилаш. Асоратлар ва ножўя таъсирларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология ва Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси туғруқ бўлимида 37-39 ҳафта гестация муддатида режали равишда операция қилинган (абдоминал туғруқ) ортиқча тана вазнига ва семизликка эга 554 нафар ҳомиладорлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қон айланиши ва нафас олиш тизимларининг функционал ҳолати, симпато-адренал ва гипоталамо-гипофизар-адренкортикал тизим.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларни бажаришда клиник, электрофизиологик, функционал ва биохимик, инструментал, статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ортиқча вазнли ва турли даражадаги семизлиги бор ҳомиладорларнинг ҳаётий муҳим тизимларининг анестезиягача бўлган дастлабки ҳолати гестациянинг 37-39 ҳафтаси муддатида биринчи марта комплекс равишда клиник-функционал (периферик гемодинамика, марказий гемодинамика параметрлари, ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари) аниқланган;

туғруқ вақтидаги асоратлар кузатилишини башоратлашда энг қулай анестезиологик ёндашув усулини танлашга имкон берувчи интеграл маълумотларнинг юқори кўрсаткичи биринчи марта акушерлик анестезиологиясида исботланган;

турли даражадаги семизлиги бор ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими адаптацион-мослашув имкониятларининг сақланганлик даражаси ва интраоперацион анестезиологик асоратлар хавфи даражасини инобатга олувчи регионар ва умумий анестезиянинг такомиллаштирилган вариантлари ишлаб чиқилган ва патогенетик асосланган;

Ўзбекистон Республикасидаги туғруқ мажмуалари техник имкониятларидан келиб чиқиб, умуртқа поғонасининг анатомик хусусиятларини анестезиядан аввал превентив ультратовуш текшируви ёрдамида

аниқлаштириш ва унинг асосида марказий нейроаксиал блокада амалиётини энгиллаштирувчи тизими ишлаб чиқилган;

семиз аёллардаги туғруқ жараёнини оғриқсизлантириш учун қўлланилган анестезия турли усулларининг ҳаётий муҳим тизимларига таъсири ёритилган ва хавфсизлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли даражадаги семизлиги бор аёлларда абдоминал туғруқ вақтида оптимал анестезиологик қўлланмани танлашга оқилона ёндашилган;

ҳар бир клиник ҳолатда индивидуал ёндашувни таъминловчи омиллар мужассамлаштирилган, яъни юрак қон-томир тизими адаптацион-мослашув имкониятларининг сақланиши даражаси, интраоперацион анестезиологик асоратлар хавфи, тана вазни индекси (ТВИ), индивидуал морфометрик тавсифга асосланилиб маҳаллий анестетиклар миқдори танланган;

юрак қон-томир тизими адаптацион-мослашув имкониятлари паст беморларда эпидурал анестезиянинг ва маҳаллий анестетикларнинг паст концентрациясига фентанилни микромиқдорда аралаштириб қўллаш билан ўтказилган эпидурал блокаданинг афзаллиги аниқланган;

юрак қон-томир тизими адаптацион-мослашув имкониятлари кескин пасайган беморларда умумий комбинирланган мультимодал анестезиянинг (УКМА) акушерликда умум-қабул қилинган умумий анестезия вариантыдан афзаллиги аниқланган;

ҳомиладорлар бел умуртқаларини перфорация қилиниши керак бўлган анатомик структураларини олдиндан баҳолаш ва керакли узунликдаги игналарни тайёрлашга имконият яратувчи Ўзбекистон Республикаси туғруқ мажмуаларида бажариш учун қулай бўлган превентив ультратовушли визуализация усули таклиф этилган;

оғриқсизлантириш усулини ва унинг компонентларини танлашга рационал ёндашув, интраоперацион асоратлар сонини камайтиришга ва даволаш жараёнидаги моддий харажатларни тежалиши таъминланган;

субарахноидал ва эпидурал бўшлиқ пункция-катетеризацияси қийинчилиги эҳтимоли бўлган беморларга регионар анестезиянинг янги варианты эпидурал-сакрал анестезия усули таклиф этилиб, такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи электрофизиологик, функционал ва биокимиёвий, инструментал усуллар билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндашувни клиник-функционал асослашнинг ўзига хослиги такомиллаштирилганлиги, анестезиологик амалиётда анелгетикларни танлашда индивидуаллик, олинган натижалар ишончли тартибда статистик ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ортиқча тана вазни ва турли даражадаги семирган ҳомиладорларда ташхис сифати ва анестезиологик ёндошувни яхшилаш борасида олинган хулосалар фаннинг турли йўналишларида, соғлиқни сақлаш амалиёти билан боғлиқ ўқув жараёнида, анестезиология-реанимация, акушерлик бўлимлари режали амалиётида қўлланиши мумкин. Гестациянинг 37-39 ҳафталик муддатида ТВИ юқори бўлган аёлларда операция олди даврида ташхислашнинг замонавий клиник-функционал усулларида фойдаланиб олинган натижалар ва клиник тадқиқотлар абдоминал туғруқда индивидуал хавфни аниқлашга, комплекс даволаш ва профилактик тадбирларини ўз вақтида қўллашга, ўтказиладиган анестезиологик тадбирларнинг янги имкониятларини белгилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тана вазни индексининг ва юрак қон-томир тизимининг адаптацион-мослашув имкониятлари сақланишининг турли даражасининг кўп факторли критерийсига асосланган шкалага, анестезиологик асоратлар хавфини индивидуал прогностик кўрсаткичига асосланган шкалага асосланиб оптимал анестезиологик қўлланма вариантларини танлаш, индивидуал морфометрик тавсифга асосланиб маҳаллий анестетиклар миқдорини танлаш конкрет клиник вазиятда индивидуал ёндошув имконини берди. Оғир даражали семизлиги мавжуд, умуртқа поғонаси деформацияси бор аёлларда субарахноидал ва эпидурал бўшлиқ пунция-катетеризациясини енгиллаштирувчи, бел умурткалари анатомик ҳосилалари ультратовушли визуализациясининг муқобил варианты таклиф қилинди. МНБ ўтказиш қийин бўлган беморларга регионар блокада варианты сифатида эпидурал-сакрал анестезия усули такомиллаштирилди. Таклиф этилган анестезиологик тадбирлар интраоперацион анестезиологик асоратларни сезиларли қисқартириш ва даволашга сарфланадиган моддий харажатларни тежаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндашувни клиник-функционал асослаш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ортиқча тана вазни ва семирган беморларда туғруқни абдоминал йўл билан амалга оширишда анестезиологик ёндашув» номли услубий қўлланма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 19 январдаги 8н-д/99-сон маълумотномаси). Мазкур қўлланма ортиқча тана вазни ва семирган аёлларда туғруқни абдоминал амалга оширишда оптимал анестезиологик ёндашувни танлаш, тана вазни индексини инобатга олган ҳолда анестезия учун ишлатиладиган дори воситалари ва уларнинг зарарсиз миқдорини танлаш имконини берган;

юрак қон-томир тизимининг адаптацион-мослашув имкониятлари сақланишининг турли даражасини кўп факторли критерийсига асосланган шкала ёрдамида ҳомиладор семиз аёллар юрак қон-томир тизими резерв

ҳолатини баҳолаш, анестезиологик асоратлар хавфини индивидуал прогностик кўрсаткичига асосланган шкала ёрдамида башоратлаш, оғир даражали семизлиги мавжуд, умуртқа поғонаси деформацияси бор аёлларда бел умуртқалари анатомик ҳосилалари превентив ультратовушли визуализация усули, МНБ ўтказиш қийин бўлган беморларга регионар блокада варианты сифатида эпидурал-сакрал анестезия усули Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Самарқанд давлат тиббиёт институти биринчи клиникаси туғруқ бўлими амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 19 январдаги 8н-д/99-сон маълумотномаси);

семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндашувини клиник-функционал асослаш ва унинг самарадорлиги бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Самарқанд давлат тиббиёт институти биринчи клиникаси туғруқ бўлими, Самарқанд шаҳар 1 ва 3-сонли туғруқ мажмуалари, Самарқанд вилояти перинатал маркази, Бухоро давлат тиббиёт институти ва Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали клиникалари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 13 декабрдаги 8н-з/53-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши ортиқча тана вазни ва турли даражадаги семизлиги бор ҳомиладорларда анестезиологик хавфни амалиётдан олдин аниқлаш, ўз вақтида комплекс даволаш ва профилактикани таъминлаш, оптимал анестезиологик усулни танлаш натижасида анестезиологик асоратлар спинал анестезия усулини қўллаганда 29,2%га, эпидурал анестезия усулини қўллаганда 16,4%га, ЮҚТТМИ кескин пасайган, ТВИ 35-40 кг/м² ва ундан кўп бўлган беморларда сунъий ўпка вентилляцияси билан умумий комбинирланган мультимодал анестезия ўтказилганида 71,5%га камайган, анестезиологик ва акушерлик ёрдами сифати ошди, тактик хатоларнинг олди олинган, даволашга ишлатиладиган моддий харажатлар 19,7% га камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 47 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 3 таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 167 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Семиз аёлларда туғруқни ҳал этишда оптимал анестезиологик ёндошувнинг замонавий муаммолари**» деб номланган биринчи бобида семизлик ҳақидаги замонавий адабиётлардаги маълумотлар таҳлил этилган, шунингдек, юқори ТВИ омилида ҳомиладорликнинг кечиш хусусиятлари, абдоминал туғруқни анестезиологик таъминлаш вариантлари, анестезиологик ва акушерликда ҳал қилинмаган муаммоларнинг асосий доираси ҳақида маълумотлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Семиз аёлларда клиник функционал текшириш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар, клиник – функционал – биокимёвий изланишлар келтирилган. ТВИ юқори 22 ёшдан 40 ёшгача бўлган 37-39 ҳафтали гестация муддатидаги 280 нафар аёллар, шунингдек мўътадил тана вазни 34 нафар ҳомиладорлар, жами 314 нафар аёллар текширилди. Умумий текширилган беморлар сонига кирмаган яна 19 нафар ҳомиладор бўлмаган аёлларни текшириш натижалари ҳам келтирилган. Таҳлил учун ортиқча вазнга эга ва семизлиги бор 240 нафар беморнинг туғруқ тарихи архив материали сифатида ўрганилди.

Шахсий кузатувлар ва архив материалларининг умумий тавсифи 1-жадвалда келтирилган бўлиб, бунда тадқиқот гуруҳига кирувчи барча беморларнинг ҳомиладорлиги физиологик ҳомиладорликка яқин бўлиб оғир экстрагенитал касалликлари бўлмаган, фақат 76 нафар аёлда преэклампсия кузатилган. Барча беморлар режали равишда операция қилинган.

Изланишнинг усуллари. Тана вазни индекси (ТВИ) Кетле формуласи асосида ўрганилди. Марказий ва периферик гемодинамикани (эхокардиография, юрак қисқаришлари сони (ЮҚС) мониторинги, ўртача қон босими (ЎҚБ)), периферик қон айланишини (минутлик диурез, тана ҳарорати градиенти- Δt), зўриктирувчи функционал синамаларни (6 дақиқалик қадамли синама, Штанге синамаси) ўрганиб юрак қон-томир тизими функционал ҳолати тўғрисида хулоса қилинди.

Ташқи нафас олиш фаолияти спирография ва воллюметрия усуллари орқали баҳоланди. Шунингдек, кислота ишқор мувозанати (КИМ) ва қоннинг газ таркиби (Аструп микроосули), қоннинг сатурацияси (SpO_2) ўрганилди.

Беморларнинг умумий тавсифи

Тадқиқот параметри	ТВИ, кг/м ²								
	19-24,9	25-29,9		30-34,9		35-39,9		≥ 40	
	прос-пектив	прос-пектив	ретрос-пектив	прос-пектив	ретрос-пектив	прос-пектив	ретрос-пектив	прос-пектив	ретрос-пектив
Ёши	24,4-2,4	24,8± 3,8	25,6± 4,1	25,6± 3,1	24,8± 3,6	25,4± 3,4	26,8± 5,1	26,2± 3,4	28,1± 3,3
Тана массаси	63,5-5,9	74,9± 3,3	75,4± 4,2	90,2± 5,2	89,6± 4,5	98,2± 4,8	97,9± 5,3	109,7± 3,8	111,4± 4,3
Бўй узунлиги, см	165,4±3,8	165,1± 3,6	164,8± 3,2	163,8± 5,1	165,3± 4,1	165,7± 3,6	166,3± 4,1	164,3± 3,2	163,3± 5,2
Гестация муддати, ҳафта	38,6±0,4	38,2± 0,7	38,8± 0,6	38,4± 0,9	37,9± 0,9	37,3± 0,5	37,1± 0,6	37,2± 0,6	37,1± 0,4
Кузатилган беморлар сони	34	51	40	125	90	52	72	52	38
Жами: 554	34	91		215		124		90	

Зўриқиш индексини (ЗИ) (юрак ритми математик таҳлили), қон плазмасида суммар кортизолни (СК) (радиоиммун усул), норадреналин сийдик билан экскрецияси тезлигини (НА) (флюоетрик усул) ўрганиб вегетатив асаб тизими (ВАТ), симпатоадренал ва гипоталамо-гипофзар-адренкортикал тизимлар функционал ҳолатларига баҳо берилди. Қўлланилган анестезия усуллари асоратлари ва ножўя таъсирлари ўрганилди, уларнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

2-жадвал

Операция тури ва давомийлиги

Операция характери	Сони	Операция давомийлиги			
		30 дақ. гача	35 дан 1 соатгача	1.5 соатгача	2 соат ва ундан кўп
Кесар кесиш	410	47	187	168	8
Кесар кесиш, бачадон найларини жаррохлик стерилизацияси	54		26	28	–
Кесар кесиш, бачадон жуфт томирлари боғлами, гистерэктомия	34	–	–	21	13
Кесар кесиш, гистерэктомия	38	–	–	21	17
Кесар кесиш, бачадон жуфт томирлари боғлами, консерватив миоэктомия	18	–	–	10	8
Жами:	554	47	213	248	46

Бел умурткалари анатомик ҳосилаларининг превентив ультратовушли визуализацияси кенг қутбли конвексли 5-10 МГц диапазонли эгилган датчикли «Philips HD» сканери ёрдамида бажарилди.

Жаррохлик аралашувлари характери ва қўлланилаётган анестезиологик усуллар вариантлари 2 ва 3 жадвалда берилган.

3-жадвал

Юқори ТВИ бўлган аёлларда абдоминал туғруқ вақтида қўлланилган анестезиологик усуллар

Анестезия тури	Кузатув сони
Спинал анестезия	294
Эпидурал анестезия	90
Маҳаллий анестетиклар концентрацияси камайтирилган эпидурал анестезия	45
Эпидурал-сакрал анестезия	21
Спино-эпидурал анестезия	14
Умумий кўп компонентли анестезия	48
Умумий комбинирланган мультимодал анестезия	42
Жами:	554

Тадқиқотда олинган маълумотлар статистика усули Pentium-IV персонал компьютерда Microsoft Office Excel-2016 дастурий пакетида қайта ишланди. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари ўртача арифметик кўрсаткичлари (M) ва ўртача квадратик оғиши (σ), ўртача стандарт хато (m), нисбий катталиқ (%), олинган натижаларнинг ўртача қиймати Стъюдент критерияси (t)ни қўллаган ҳолда гуруҳлардаги тақсимот меъёрини (эксцес критерияси билан) ва генерал дисперслар тенглиги (F – Фишер критерияси)ни текшириш орқали хатолар хавфини (P) аниқлаш йўли билан вариацион статистика усули орқали қайта ишланди. Бунда $p < 0,05$ бўлган фарқ статистик ишончли деб ҳисобланди.

Статистик кўрсаткичлар сифатли аниқланиши учун χ^2 критерияси (хи-квадрат) ва z -критерияси қуйидаги формула асосида ҳисобланди (Гланц С., 1998 йил).

$$z = (p_1 - p_2) \sqrt{\frac{n_1 \cdot n_2}{p(1-p) \cdot (n_1 + n_2)}}$$

Бунда, $p_1 = \mu_1/n_1$ ва $p_2 = \mu_2/n_2$ таққосланаётган частота, $p = (\mu_1 + \mu_2)/(n_1 + n_2)$ иккала гуруҳ бўйича белгиларнинг пайдо бўлишининг ўртача учраш даражаси.

Диссертациянинг «**Ортиқча вазни ва семизлиги бор ҳомиладорларда ҳаётий муҳим асосий тизимларнинг функционал ҳолати**» деб номланган учинчи бобида 145 нафар ҳомиладорлиги физиологик кечаётган аёлда, шунингдек бепуштлиқ бўйича гинекология бўлимида стационар даволанаётган 19 нафар соғлом аёлларда ўтказилган изланишлар натижалари тақдим этилган.

Биз кузатган барча беморлар 6 гуруҳга ажратилган. 1-гуруҳни ҳомиладор бўлмаган, соматик соғлом 19 нафар аёллар (ТВИ-19-24,9 кг/м²), 2-гуруҳни эса нормал тана вазни (ТВИ -19-24,9 кг/м²) нисбатан соғлом 34 нафар ҳомиладорлар ташкил этади. 3 - (n=34), 4 - (n=32), 5 - (n=23), ва 6- (n=22) гуруҳларга ортиқча тана вазни ва семизлиги бор аёллар киритилди: уларнинг ТВИ 25-29,5 кг/м², 30-34,5 кг/м², 35-39,9 кг/м² ва ≥ 40 кг/м²ни ташкил этди. Барча кўриб чиқилаётган гуруҳлардаги ҳомиладорларнинг ёши ва гестация муддати ўзаро мос бўлган. Фақатгина ТВИда фарқ кузатилади.

Ҳаётий муҳим асосий тизимлар функционал ҳолатини тавсифловчи параметрларни ўрганиш, қуйидаги қонуниятни аниқлашга имконият яратди. Нормал тана вазни (ТВИ 19-24,9 кг/м²) гестация муддати 37-39 ҳафталик аёлларнинг марказий ва периферик гемодинамик кўрсаткичлари соғлом ҳомиладорлар нормативлари билан мос келади. Эукинетик типдаги қон айланиши кузатилди. Зўриқтирувчи функционал синамалар натижалари юрак қон-томир тизими адаптацион-мослашув имкониятлари (ЮҚТТАМИ) сақланганлигидан далолат берди. Бунда ташқи нафас ва газ алмашинуви функцияларини тавсифловчи ўлчамлар физиологик кўрсаткичлар билан мос келди.

ТВИнинг 25-29,9 кг/м² гача ошиши гемодинамикани сезиларли бузилишга олиб келди, юракнинг бир марталик ва минутлик ҳажми 16,6% ва 13,9% га камайди, ЎҚБ ва томирларнинг умумий периферик қаршилиги (ТУПҚ) нормал тана вазли ҳомиладорларга нисбатан 5,5% ва 18,1% га ошди. Периферик қон айланишнинг функционал ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар ёмонлашди- Δt 30,2% га ошди, соатлик диурез 13,4% га камайди. Зўриқтирувчи функционал синамалар натижалари юрак қон-томир тизими адаптация-мослашув имкониятларининг пасайиб бораётганлигини кўрсатди. Тадқиқот ўтказилаётган аёлларнинг асосий қисмида (64,7%) қон айланишнинг нормокинетик режими кузатилди. Шу билан биргаликда, ташқи нафас ва газ алмашинуви функцияларини тавсифловчи параметрларнинг кўринарли ёмонлашуви 2-гуруҳ аёлларига нисбатан қайд этилмади.

Олинган натижаларни нормал тана вазли аёлларнинг кўрсаткичлари билан таққослаб қуйидагича хулоса қилиш мумкин, ортиқча тана вазни юрак қон-томир тизими функционал ҳолатини сезиларли даражада бузилишига, унинг захира имкониятларини пасайишига олиб келувчи бир қанча патологик жараёнларни кўзғатади.

ТВИнинг 30-34,5 кг/м² (1-даражали семизлик) гача ошиши нормал тана вазли ҳомиладорларга нисбатан, ЮҚС 11,6% гача тезлашишига, ЎҚБ ва ТУПҚнинг 12,8% ва 38,5% га ошишига, зарба индекси (ЗИ), юрак индекси (ЮИ), қон айланишининг резерв коэффиценти (РКф) эса 25,7%, 17,7%, 27,3% га пасайишига олиб келди. Соатлик диурез стабил сақланиб, ишонарли равишда ўзгармади. Шу фонда нафас сони 24,5% га тезлашди, нафас ҳажми (НХ), ўпканинг минутлик ҳажми (ЎМХ), ўпканинг тириклик сифими (ЎТС), ўпканинг максимал вентиляцияси (ЎМВ) 32,1%, 14,5%, 38,5% ва 37,3% гача пасайиши кузатилди. Сатурация $95,2 \pm 0,3\%$ ни ташкил этди. Зўриқтирувчи функционал синамалар натижалари ЮҚТТАМИнинг прогрессив пасайишини кўрсатди. 56,3% ҳолатда қон айланишининг нормокинетик шакли, 40,6% ҳолатда – гипокинетик шакли қайд этилди.

ТВИнинг 35-39,9 кг/м² гача ошиши нормал тана вазли ҳомиладорларга нисбатан ЗИ, ЮИ, ТУПҚларнинг 34,5%, 28,6% ва 30% гача ишонарли пасайишига олиб келди, бу юрак етишмовчилигининг бошланиш олди ҳолатидан далолат берди. Бир вақтнинг ўзида ЎҚБ, ТУПҚ, юракнинг иккиламчи иш кучи кўрсаткичлари 20,6%, 71,6%, 70% га ошди, ЮҚС эса 10,1% гача тезлашди. Периферик қон айланишни тавсифловчи кўрсаткичлар маълум даражада ёмонлашди, зўриқтирувчи функционал синамалар натижалари прогрессив равишда пасайди. Қон айланишнинг нормокинетик шаклдан, гипокинетик шаклга ўтиши аниқ равишда билинди (91,3%). Шу фонда нафас сони $24,2 \pm 0,3$ ни ташкил этди. НХ, ЎТС ва ЎМВлар қониқарсиз равишда пасайиб кетди, бу ўз навбатида сатурациянинг SpO_2 $94,2 \pm 0,4\%$ гача тушишига олиб келди.

ТВИнинг нормал тана вазли ҳомиладорларга нисбатан 40 кг/м² ва ундан кўп даражада ошиши, ЗИ, ЮИ, ТУПҚларнинг прогрессив пасайишига

олиб келади, бу юрак етишмовчилиги ривожланганидан дарак беради. Бу ўзгаришларга параллел равишда периферик қон айланишининг функционал ҳолатини характерловчи кўрсаткичлар ёмонлашди. Нормал тана вазнли ҳомиладорлар гуруҳига нисбатан ЎҚБ, ТУПҚ 26,8% ва 90,8% гача ошди. Юракнинг иккиламчи иш кучи кўрсаткичининг $14,2 \pm 0.008$ *нисбий бирликда* ошиши миокарднинг кислородга муҳтожлиги ошишидан далолат берди. Зўриктирувчи функционал синамалар натижалари ҳам ёмонлашди. 100% кузатишларда қон айланишининг гипокинетик шакли кузатилди.

Юқоридагилардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин, ортиқча тана вазнининг ривожланиб бориши асоратсиз ҳомиладорликда ҳам кардио-респиратор тизимга кескин ножўя таъсир қилади, ЮҚТТАМИ захиралари камаяди. Яққол даражадаги ўзгаришлар семизликнинг II ва III даражаларида намоён бўлади. Бундай аёлларда, гестация муддатининг 37-39 ҳафтасида ҳомиладорлик асоратсиз кечганида ҳам юрак етишмовчилигига мойиллик пайдо бўлади, қон айланишининг гипокинетик шакли ривожланади. Бу эса, туғруқ олди медикаментоз тайёргарлигига, туғруқ муддати ва туғруқни ҳал этиш усулига, анестезиологик қўлланма усулини танлашда индивидуал ёндашувни талаб этади.

Диссертациянинг «Семизлиги бор аёлларда юрак қон-томир тизими адаптацион-мослашув имконияти сақланиши критериялари. Туғруқ олди анестезиологик хавф омилларини баҳолаш. Ечимлар алгоритми» номли тўртинчи бобида семизлиги бор аёлларда қўлланиладиган юрак қон-томир тизими адаптацион-мослашув имконияти сақланиш даражасини баҳолаш (4 жадвал), анестезиологик хавф омилларини туғруқ олди баҳолаш (5 жадвал) жадваллари тақдим этилган.

Кўп факторли ЮҚТТАМИ сақланиш даражаси критерияларини ишлаб чиқиш асосига, ортиқча вазнли ва семиз 22 ёшдан 40 ёшгача, гестация муддати 37-39 ҳафталик бўлган 280 нафар ҳомиладорларда ўтказилган юрак қон-томир тизими функционал ҳолатини ўрганиш натижалари қўйилган.

Қуйидаги кўрсаткичларининг диагностик ва прогностик аҳамияти ўрганилди: НС, ЮҚС, артериал қон босими (АҚБ), SpO₂, ЗИ, ЮИ, ТУПҚ, чап қоринча миокарди индекси (ЧҚМИ), РКф ва қисқариш фракцияси (ҚФ), зўриктирувчи функционал синамалар натижалари. Олинган маълумотлар патологик жараёнларни пайқайдиган бир хил бўлмаган кетма-кет ҳисоблаш орқали қайта ишланди. Кульбак ахбороти ёрдамида конструктив мантик моделига асосланган маълумот берувчи белгилар аниқланди ва уларнинг ранжировкаси ўтказилди. Белгиларни қайд этиш мақсадида диагностик коэффицентлар - баллар ҳисоблаб чиқилди. Усулни қўллашда бўсағани аниқлашда баллар йиғиндиси ҳисоби ўтказилди: куйи (6-9 балл), ЮҚТТАМИ сақланганини билдиради; ўрта (10-15 балл), ЮҚТТАМИ пасайганлигини билдиради; юқори (16-22 балл), ЮҚТТАМИ кескин пасайганини билдиради; критик (23-28 балл) ЮҚТТАМИ йўқлигидан далолат беради.

Олинган маълумотлар ТВИ юқори бўлган аёлларда ЮҚТТАМИ сақланиш даражасини индивидуал тарзда аниқлашга ёрдам беради, шунингдек, ҳар қайси аниқ клиник вазиятда оптимал операцион-анестезиологик тактикани ва туғруқ олди медикаментоз тайёргарлик йўналишини аниқлашга имконият яратади. Хавф туғдирувчи омилларини аниқлаш жадвалини ишлаб чиқишда тадқиқот ўтказилаётган гуруҳдаги ҳомиладорлар (197) текшируви натижалари асос қилиб олинди. Қуйидаги омилларнинг диагностик ва прогностик аҳамияти инобатга олинди: ёши, гестация муддати, туғруқни ҳал қилишнинг эхтимолий усули, акушерлик ва экстрегенитал касалликлар, юрак қон-томир тизими касалликлари характери, марказий ва периферик гемодинамика параметрлари, ташқи нафас функцияси, зўриқтирувчи функционал синамалар натижалари, ЮҚТТАМИ сақланиш даражаси.

4-жадвал

Семизлиги бор ҳомиладорларда юрак қон-томир тизими адаптациян-мослашув имкониятлари (ЮҚТТАМИ) сақлаши даражасининг кўп факторли критериялари

Ишончли бўлган белгилар	Прогностик баллар
Юрак индекси (ЮИ), л/м², мин	
2.8-2.5	1
2.4-2.0	3
<2	5
Қисқариш фракцияси (ҚФ)	
60-55	1
54-50	3
<50	5
Қон айланишининг резерв коэффиценти (РКф)	
1.0-0.8	1
0.7-0.5	2
<0.5	5
Нафасни тутиб туриш синамаси, секундларда	
30-10	1
19-10	2
<10	4
6 дақиқалик қадамли синама, метрларда	
301-400	1
300-250	2
249-150	4
Нитроглицеринли синама	
ЧҚМИ ошади	1
ЧҚМИ динамикасиз	3
ЧҚМИ пасаяди	5

Изоҳ: максимал баллар миқдори – 28 балл. ЮҚТТАМИ сақланган - 6-9 балл; ЮҚТТАМИ пасайган - 10-15 балл; ЮҚТТАМИ кескин пасайган - 16-22 балл; ЮҚТТАМИ йўқ - 23-28 балл

Хавф туғдирувчи омиллар ҳақида энг кўп ахборот берувчи белгилар сифатида қуйидагилар инобатга олинди: ТВИ, ҳомиладорлик кечиши, анестезия ўтказишда техник қийинчилик юзага келиши мумкинлигини прогнозлаш, туғруқни ҳал этиш режаси, экстагенитал касалликлар, ЮИ, ЎТС, зўриқтирувчи функционал синамалар натижалари, ЮҚТТАМИ сақланиши. Хавф даражасини аниқлашни мукамаллаштириш мақсадида, ҳар бир диагностик белгига миқдорий коэффицент - баллар берилди ва уларнинг йиғиндиси анестезиологик асоратлар хавфи даражасини кўрсатади.

5-жадвал

Дастлабки ҳолатда хавф омилларининг прогностик аҳамияти

Хавф омиллари	Балл	Хавф омиллари	Балл
Семизлик даражаси		Юрак индекси, л/м²,мин	
ИМТ-25-29,9 кг/м ²	1	2,8-2,5	1
ИМТ-30-34,9 кг/м ²	2	2,4-2,0	3
ИМТ-35-39,9 кг/м ²	3	< 2	5
ИМТ-≥ 40 и более кг/м ²	5	Ўпканинг тириклик сифими (ЎТС) (мл/кг)	
Ҳомиладорликнинг кечиши		60-70	0
Асоратсиз	1	59-50	1
Преэклампсия энгил даражаси	2	49-40	3
Преэклампсия оғир даражаси	5	< 40	5
Эгиз ҳомиладорлик	3	Зўриқтирувчи функционал синамалар натижаси	
Ҳомиланинг бачадон ичида кониқарсиз ҳолати	2	Резерви сақланган	0
Анестезияда қутилайтган техник қийинчиликлар		Резерви пасайган	2
Оғир интубацион йўл	5	Резерви кескин пасайган	4
МНБ ўтказишдаги қийинчилик	5	Йўқ	5
ЁЎСВни ўтказишдаги қийинчилик (ўтказа олмаслик)	5	ЮҚТТАМИ резерви сақланиши	
Туғруқни ҳал этиш режаси		Сақланган	0
Консерватив	2	Пасайган	2
Оператив	3	Кескин пасайган	4
Режали/шошилинич тарзда	1/5	Йўқ	5
Экстрагенитал касаллик			
Камқонликнинг энгил/оғир даражаси	½		
Юрак-қон томир касалликлари	2		
Ўпка-бронх касалликлари	2		
Жигар-буйрак касалликлари	2		
Эндокрин касалликлар	2		
Варикоз касаллиги	2		
МАС касалликлари	2		

Изоҳ: жами 105 балл. Дастлабки ҳолат хавф даражаси паст ИПК-12-19 балл, ўрта ИПК-20-35 балл, юқори ИПК-36-49 балл, жуда юқори ИПК-50 ва кўп балл

Яъни, бир нечта диагностик параметрлар гуруҳи юқори ахборотга эга бўлган ягона интеграл кўрсаткичга алмаштирилди. Анестезиягача даврда хавф омили-интеграл прогностик кўрсаткичи (ИПК) хавф даражаси паст - 12-19 балл бўлганда, ўрта ИПК - 20-35 балл бўлганда, юқори - ИПК - 36-49 балл бўлганда ва жуда юқори - ИПК- 50 балл ва кўп бўлганда ҳисобланади.

Тақдим этилган жадвал юқори даражадаги ишончлилиқ билан индивидуал хавф омилини аниқлашга, профилактик комплекс тадбирларни ўз вақтида бажаришга, оптимал анестезиологик тактикани аниқлашга, юзага келиши мумкин бўлган тактик хатоларга йўл қўймасликни таъминлайди.

Диссертациянинг «**Ортиқча вазни ва семизлиги бор аёлларда абдоминал туғруқни анестезиологик таъминлаш вариантларининг клиничко-функционал-биохимик тавсифи**» деб номланган бешинчи бобида ЮҚТТАМИ сақланиш даражасини, дастлабки ҳолатда хавф омили прогнозини ва ТВИни ҳисобга олган ҳолда оптимал анестезия усулини танлашдаги индивидуал ёндашув натижалари тақдим этилган.

Юрак қон-томир тизими адаптацион–мослашув имкониятлари сақланган, ТВИ 25-34,9 кг/м² бўлган, спинал ва эпидурал анестезия остида операция қилинган аёллар гуруҳининг комплекс клиничко-функционал-биохимик текширувлари қуйидагиларни кўрсатди:

1. ЮҚТТАМИ сақланган аёлларда маҳаллий анестетикларнинг оптимал дозаларини индивидуал танлаб СА ва ЭА ўтказиш интраоперацион даврда гемодинамик барқарорликни таъминлайди;

2. Ташқи нафас функцияси ва газ алмашинувига депрессив таъсир кўрсатмайди;

3. МНБ вариантларининг юқори самарадорлигини тасдиқлаб операцион-анестезиологик агрессияга жавобан симпато-адренал ва гипоталамо-гипофизар-адренкортикал тизимларда мўтадил намоён бўлган кўзғалиш чақиради;

4. Эпидурал катетернинг узоқ муддатли ва узлуксиз операциядан кейинги оғриқсизлантиришда қўлланиши, шунингдек, олдиндан айтиб бўлмас хирургик асоратларда усулни қўллаш мумкинлиги ЭА устунлиги бўлиб ҳисобланади.

СА шароитида туғилган чақалоқлар Апгар шкаласи билан 1 ва 5 дақиқаларда 9,1±0,3 ва 9,5±0,2 балл билан, ЭА шароитида - 9,0±0,3 ва 9,2±0,2 балл билан гуруҳларда ишончли фарқларсиз баҳоландилар.

ТВИ юқори (35-39,9 кг/м²) бўлганда ва ЮҚТТАМИ сақланган шароитдагина ЭА ва СА қўлланиши инкор этилмайди.

СА ва ЭА вариантлари остида ЮҚТТАМИ паст ТВИ 35-39,9 кг/м² бўлган аёллар гуруҳининг клинич – функционал – биохимик комплекс текширувлари шуни кўрсатдики, уларда СА бупивакаиннинг 0,5% гипербарик эритмаси қўлланганда, тери кесими олдида тўлиқ сегментар сенсор-мотор ва симпатик блок чўққисида вазопрессор ёрдамни талаб этувчи артериал гипотензия юзага келди. Бунда ташқи нафас ва газ алмашинуви

функциясида кўринарли ўзгаришлар намоён бўлмади. Бунда, гемодинамик мослашув ва симпатик таъсирнинг пасайишига жавобан, симпатоадренал, гипоталамо-гипофизар-адренкортикал тизимда адекват химоя реакцияси сифатида симпатик таъсир ва юрак ритми регулятор механизмларининг зўриқиш даражаси пасайишини кузатдик.

Анестезия ва операциянинг кейинги босқичларида гемодинамиканинг бузилиши сезиларли бўлмади. Анестезиянинг самарадорлиги операцион жароҳатга жавобан, симпатоадренал ва гипоталамо-гипофизар-адренкортикал тизимларнинг сезиларли бўлмаган фаоллашуви билан тасдиқланди.

ЭАнинг тўлиқ сегментар сенсор-мотор ва симпатик блок босқичида маҳаллий анестетикларни умумқабул қилинган концентрацияда ва ҳажмда ишлатиш, коррекция талаб қилувчи сезиларли артериал гипотензия билан бирга кечди. Аммо СА қўллаганчалик намоён бўлмади. Ташқи нафас ва газ алмашинуви функцияси ўзгармади. Бунда, симпатоадренал, гипоталамо-гипофизар-адренкортикал тизим, гемодинамиканинг қайта тузилишига адекват жавобан симпатик таъсирнинг мўтадил пасайишини кузатдик. Анестезиологик ва хирургик агрессияга жавобан симпато-адренал ва гипоталамо-гипофизар-адренкортикал тизимларнинг мўтадил намоён бўлувчи фаоллашуви анестезиянинг самарадорлигини тасдиқлади.

Парацетамол (1000 мг) билан превентив анальгезия ўтказиб, фентанилнинг микроикдорини (1,4 мкг/кг), маҳаллий анестетикларнинг паст концентрацияси билан (бупивакаиннинг 0,375% эритмаси) аралаштириб ЭА ўтказилганида гемодинамика, периферик қон айланиши, ташқи нафас функциясида яққол намоён бўлмаган даражадаги ўзгариши кузатилди. Мазкур ЭА варианты одатий усулдан қолишмайди.

Аёллар операцион жароҳатга жавоб қайтаришмади, яъни шикоят қилишмади, кўшимча оғриқ қолдирувчилар талаб этилмади, симпато-адренал ва гипоталамо-гипофизар-адренкортикал тизимларнинг мўтадил намоён бўлувчи фаоллашуви анестезиянинг адекватлигини тасдиқлади. Қайд этиш лозимки, ҳеч қайси текширилаётган гуруҳда ўрганилаётган параметрлар «стресс-меъёр» чегарасидан чиқмади.

Бупивакаиннинг паст концентрацияси билан ЭА ўтказилган шароитда операция қилиниб туғилган чақалоқлар Апгар шкаласи орқали 1 ва 5 дақиқаларда $8,4 \pm 0,3$ ва $9,3 \pm 0,2$ балл билан, САдан фойдаланганда эса $7,63 \pm 0,9$ ва $8,1 \pm 0,4$ балл билан баҳоландилар холос. Шунинг таъкидлаш лозимки, СА фонида паст балл билан баҳоланишига сабаб, «чақалоқни олиш этапида» артериал қон босимининг сезиларли пасайиши билан тушунтириш мумкин.

